

Фарғона водийсида учровчи ўргимчакларнинг айrim доминант турлари ҳаётий цикли ва динамикаси

Жизненный цикл и динамика некоторых доминирующих видов пауков, обитающих в Ферганской долине

Life cycle and dynamics of some dominant species of spiders found in the Fergana Valley

Бахромова Барно

Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси

Бахромова Барно

Старший преподаватель Ферганского государственного университета

Barno Bakhromova

Senior lecturer of Fergana State University

Аннотация. Мақола Фарғона водийси биоценозларида тарқалган ўргимчаклар орасидаги доминант турлар ҳақида сўз боради. Тадқиқот нажижаларига кўра Фарғона водийси биоценозларида учровчи 3 доминант тур ҳаёт цикли мақолада давомида ёритилган.

Калит сўзлар. Ўргимчаклар, доминант, биогеография, экотизим

Абстрактный. В статье речь идет о доминирующем виде среди пауков, распространенных в биоценозах Ферганской долины. По результатам исследований в статье освещен жизненный цикл 3-х доминирующих видов, встречающихся в биоценозах Ферганской долины.

Ключевые слова. Пауки, доминанта, биогеография, экосистема

Abstract. The article is about the dominant species among spiders distributed in the biocenoses of the Fergana Valley. According to the results of the research, the life cycle of 3 dominant species found in the biocenoses of the Fergana Valley is covered in the article.

Keywords. Spiders, dominant, biogeography, ecosystem

Кириш. Умуртқасиз ҳайвон турларининг қуруқлик минтақалари бўйлаб турли миқдорда ва кўрсатгичда тарқалиши ҳудуд биогеографиясининг ўзига

хос энг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб [4], бундан ўргимчаклар ҳам мустасно эмас [2]. Ҳар бир зоогеографик ҳудуднинг таркибий қисми ҳисобланган ҳайвонларнинг тур таркиби, улар орасидаги доминант турларнинг аҳамияти юқори бўлиб, ушбу турлар минтақа экотизмининг қандай шаклланиши, турлар популяциялари орасидаги ўзаро муносабат ва турларнинг ўзаро трофик ва бошқа муҳим биологик кўрсаткичларга кўра барқарор муносабатга киришганини тушуниш учун ёрдам беради [3, 5].

Материал ва методика. Фарғона водийси арахнофаунасида ушбу тадқиқот давомида 44 турдаги ўргимчак учраши аниқланган бўлса, уларнинг барчаси ҳам бирдек кенг тарқалмаган. Табиий экосистемалар ва агроэкосистемалардаги турлар бир-биридан етарлича фарқ қиласди. Қуйида водий арахнофаунасидаги кенг тарқалган айrim доминант турларнинг ҳаёт цикли ва биологияси хусусида маълумотлар келтирилган.


Ари ўргимчак *Argiope bruennichi* бу тур Фарғона водийсидаги тоғ олди ҳудудлардаги адирликларнинг паст бўйли 50 см дан баланд бўлмаган ўтлоқларида доминант ҳолда учровчи тур ҳисобланади. Тадқиқот давомида водийнинг жанубий ёнбағри намлиги юқори бўлган табиий ўтлоқларида бу тур кўп учратилди. Бу ўргимчак тури атрофи очиқ биотопларда учраши билан ҳарактерлидир. Улар кенг орбитани эгаллаган 30 см диаметрли тутқич тўрини эрта тонгда ўсимликлар орасининг пастроқ қисмига қуради.

Урғочилари тўр марказида 1- ва 2- жуфт оёқларини бир-бирига ёпишириб юқорига, 3- ва 4- оёқларини жуда яқин ҳолатда пастга қилиб худди “X” қўринишида ўлжасини кутади. Эркаги эса тўр атрофига яқин жойга яшириниб ўлжасини кутади. Унинг асосий озиқ-овқат манбаси уй пашшалари, асаларилар ва ўтлоқларда яшовчи чигирткалардир. Улар учун хос бўлган хусусиятларидан бири у ўлжасини ўлдиришдан олдин уларни ўргимчак иплари билан ўраб чирмаб қўйишидир. Урғочилари ҳамма ўргимчаклар қатори эркакларига нисбатан йирик бўлиб, уларнинг катталиги 11–15 мм. келади. Эркаклари эса 4,0–4,5 мм катталикка етиб боради. Бундан ташқари, урғочиларида эркакларидан фарқли равишда қорин қисмида сарик-қора йўллик чизиқлар мавжуд. Шу чизиқлар сабаб бальзан уларни ари-ўргимчаклар деб ҳам аталади.

Уларнинг жуфтлашиш мавсуми ёз ойларига тўғри келади. Июнь ойининг иккинчи декадасида эркак ўргимчаклар урғочи ўргимчаклар билан

жуфтлашади. Мана шу вақтда ўргимчаклар сони ўзининг энг чўққисига кўтарилади, бизнинг кузатувимида улар июль ойининг ярмида ҳар 10 m^2 да ўртача 18 тадан учради (1-расм).

Уларда каннибализм мавжуд бўлиб, эркак ўргимчаклар жуфтлашишдан кейин вазифаси ниҳоясига етиши билан, урғочиларига ем бўлиб ҳаёти ҳам тугайди. Шу боис ҳам бу вақтда ўргимчакларнинг сони камаяди (10 m^2 да ўртача 8 та).



1-расм. *Argiope bruennichi* турининг йил давомидаги мавсумий миқдор кўпайиш динамикаси

Сўнгра бир ой ўтгач, урғочи ўргимчаклар ичи умумий 300–400 та тухум билан тўлган кўзача шаклидаги пиллаларни ўтларни юқори қисмiga тўқилган тўрга илинган ҳолда қўйиб чиқади. Пиллалар ташқи томондан бўйламасига жигарранг йўлчалари мавжуд бўлган, қаттиқ қобиқ ҳосил қилувчи ўргимчак ипларидан иборат бўлади. Ички томони эса юмшоқ ва бўшроқ тўқилган ўргимчак ипларидан ташкил топади. Пилланинг бундай тузилиши тухумларни ташқи томондан ҳар хил таъсирлардан ҳимоя қиласи. Урғочилари пиллаларни бир неча кун қўриқлаб туради. Урғочилари эса қишида нобуд бўлади. Пилла


ицидаги тухумлар бир ой ўтиб яъни август ойи охири сентябрь бошида очиб чиқади. Тухумдан чиққан иккала жинс вакиллари дастлабки вақтларда ғуж бўлиб бирга яшайди, кейинроқ эса улар бир-биридан ажралиб тарқоқ ҳолда эркин яшай бошлашади. Улар кейинги йил ёз ойлари ўртасида тўлиқ вояга етади ва улар ҳам кўпая бошлайди.

Philaeus chrysops ўргимчагини Фаргона водийсида асосан ёз ойларида учратиш мумкин. Бу тур қуруқ ва иссиқ бўлган худудларда кундуз вақтда актив яшайди. Водийда уни қовжираган ўтлар орасида ёки тошли адирларда кўп учратилди. Улар тутқич тўри тўқимайдиган ўргимчаклар қаторига киради. Ипларидан фақатгина яшаш учун инлари атрофига фойдаланади.

Бу ўргимчаклар сакраш хусусиятига эга бўлиб, ўлжасига яқин келиб сакраб устига чиқадида, тирноқларини ботириб заҳар суюқлигини солиб ўлдиради. Эркак ва урғочиси ўлчами бир хил бўлган катталикка эга бўлиб, уларга 5 ммдан 10 ммгacha узунликдаги гавда хос. Лекин ташқи ранглар томонидан улар кескин фарқ қилиб, эркаклари ёрқин қизил рангга эга. Уларнинг асосий озукаси иккиқанотли туркумига кирувчи ҳашаротлар, чивин ва уй пашшалари ҳисобланади.

Philaeus chrysops тури ўргимчаги май ойларидан август ойларигача актив яшайдиган бир йиллик ўргимчаклар ҳисобланади (2-расм). Уларнинг жинсий вояга етиш даври май ойлари учинчи декадасига тўғри келади. Шу даврда улар жуфтлашади. Жуфтлашиш вақтида эркаги олдинги бир жуфт ёқларини ҳавода силкийди, ўша ёқлари билан ерни дўмбирадек уради. Бу билан у урғочиси эътиборини тортади. Сўнгра июнь ойлари бошларида урғочилари тухумларини пилла ичига қўяди.

Research Science and Innovation House



2-расм. *Philaeus chrysops* турининг йил давомидаги мавсумий микдор кўпайиш динамикаси

Пиллаларни эса ер ости ёриқларига, тошлар тагига ўзи тўқиган ўргимчак ипига илиб чиқади. Баъзан бу тур ўргимчаклар битта девор ёки ер ёриғига бир неча она ўргамчак бир бўлиб пиллаларни жойлаб чиқишиади.

Август ойлари охиригача она ўргимчак пиллаларини ҳимоя қилиб қўриқлади.

Ёш ўргимчакчалар тухумдан чиқиб иккита ёшини пилла ичидаги ўтказди. Пиллани улар учинчи ёшига етганларида тарк этади. Бу вақт эса кейинги йил баҳори келган бўлади. Эркак ўргимчаклар июль ойигача урғочилари сентябрь ойигача яшайди.


Steatoda paykulliana илк бор 1805 йилда француз арахнологи Шарл Валкнер томонидан аниқланиб, унинг номи швед энтомологи ва шоири Густав Пайкулля номига қўйилган. Бу ўргимчак тури Фарғона водийсининг куруқ ва қуёш кўп тушадиган жойларидаги тошлар тагида яшайди. Баъзан парклар, боғларда ҳам яшashi мумкин. Биз уни Фарғона водийси худудидаги уй

ичларида, лимон ўстириладиган иссиқхонада, мева сақланувчи ертўлаларда учратдик.

Унинг мустаҳкам иплардан иборат тутқич тўрини тошлар ораси ёки паст бўйли ўсимликлар орасида, айвонларда, эски уйлар устунларида кўп кузатилди. Бу тутқич тўрига одатда ҳашаротлардан уй пашшалари, тенгқанотлилар, қаттиққанотлилар, сувараклар ўлжа бўлиб тушгани маълум бўлди.

Steatoda paykulliana соҳта қорақурт номи билан машҳур бўлиб, у ташқи томондан заҳари хавфли ҳисобланган қорақуртга жуда ҳам ўхшайди [1]. Қолаверса, соҳта қорақуртнинг заҳри ҳақиқий қорақуртницидан анча кучсиз бўлиб, у одамни чаққанида ари чаққандек оғриқ беради, холос. Унинг нейротроп заҳри ҳашаротлар учунгина хавфли ҳисобланади. Фақатгина урғочисини заҳари майда сутэмизувчилар қаторига кирувчи каламуш ва сичқонлар қонига 0,3 мг дан ошиқ тушсагина улар учун ҳалокатли тугаши мумкин (zooclub.org.ua). Бошқа организмлар учун хавфли эмас.

Бу ўргимчак май ойларининг биринчи декадасида Куба тумани адирликларининг ер юзасига чиқиб озиқланади. Шу ойнинг учинчи декадасида улар жуфт ахтара бошлайди. Эркаклари урғочисини эътиборини тортиш учун стридулитр аппарати ёрдамида шириқлаган товуш чиқара бошлайди. Бу товуш билан у ҳам урғочисини ўзига қаратади, ҳам “рақиб”ларини қўрқитади. Товушни сезган урғочи ўргимчаклар эркак ўргимчаклар кетидан боради ва жуфтлашади. Жуфтлашишдан сўнг урғочилари эркакларини еб қўяди. Шу сабабдан май ойида ҳар 10 m^2 да 22 тадан учраган ўргимчаклар июнь ойига келиб сезиларли даражада камаяди (3-расм). Кузатишларимиз натижасида урғочи ўргимчак 20 кун ўтганидан сўнг худди юмалоқланган пахта кўринишидаги пиллалар ичига 13 тадан 300 тагача тухум қўяди. У пиллаларни ўзи тўқиган тўр четига мустаҳкамлаб илиб қўяди. Пиллалар девори юпқа бўлиб баъзан ундаги тухумлар ёки ривожланаётган ўргимчаклар ҳам кўриниб туради. Бир ойдан ўтиб, яъни июль ойининг учинчи декадаси - август ойининг биринчи декадасида бу тухумлардан майда ўргимчакчалар очиб чиқади. Янги чиқкан ўргимчакчалар дастлабки 20 кун онаси билан яшайди, сўнгра атрофга тарқалиб кетиб, эркин яшай бошлайди.



З-расм. Сохта қорақұрт *Steatoda paykulliana* турининг йил давомидаги мавсумий мінде күпайиш динамикасы

Кузнинг дастлабки совуғи түшгүнича улар ер остига мустақил ҳолда ин қуриб қишиға тайёр гарлик күришади. Октябрнинг иккінчи декадасыда улар ер остига кириб кетіб диапауза ҳолатига ўтади ва баҳорда уйғонади. Йил давомида улар 8 маротаба пүст ташлаб 9 ёшга киради ва 5 ёшидан бошлаб уларда ташқи томондан эркаклық ва үрғочилик фарқлари намоён бўла бошлайди. Жинсий етилиш даври кўпроқ 7 ёшига, баъзан 8 ёшига тўғри келади. Эркаклари үрғочиларидан 20 кун эртароқ содир бўлади. Водийда учровчи бу ўргимчакларнинг вояга етган үрғочиси 7,0–10,5 мм; эркаги: 6–8 мм га етади. Умумий тана тўқ жигарранг, баъзан деярли қора рангда бўлади. Қорнининг шакли овал ёки тухумсимон шаклда бўлиб, 2 ёшгача уларнинг ранги оқ рангда бўлади. Уларда иккінчи ёшининг охирида ранг ўзгариши кузатилиб, танасига қора ранг киради ва қорнининг орқа қисмидаги оқ чизиқлар пайдо бўла бошлайди. Үрғочи турларининг қорин орқа қисмидаги бу чизиқлар ранги ўзгарувчан бўлиб, вақт ўтиши билан у оқдан сариқса, сўнгра ёрқин қизилгача

ўзгариб боради. Баъзан бу чизиқли ранглар йўқолиб қорин қисмда қора рангни ўзи қўриниб қолиб, худди ҳақиқий қорақуртга ўхшаб қолади. Шу сабабли бу турга сохта қорақурт номи берилган. Сохта қорақуртни ҳақиқий қорақуртдан ажратиб олиш жуда ҳам осон. Ҳақиқий қорақуртнинг қорнининг юқори қисмидаги 13 та қизил доғи йўқолиб кетса ҳам, қорнининг остки томонидаги қизил доғчаси сақланиб қолади. Сохта қорақуртда бундай доғ мавжуд бўлмайди. *Steatoda paykulliana* эркаги 1–1,5 йил урғочиси эса 5–6 йил яшайди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Бахромова Б. Ўзбекистонда учровчи қорақурт (*Latrodectus tredecimguttatus*) ва сохта қорақурт (*Steatoda paykullina*) нинг морфобиологик солиштирма таҳлили. // Хоразм маъмун академияси ахборотномаси, 9, (2020) 30-32.
2. Knapp M., Řezáč M. Even the Smallest Non-Crop Habitat Islands Could Be Beneficial: Distribution of Carabid Beetles and Spiders in Agricultural Landscape. // PLOS ONE, 10 (4), (2015), e0123052.
3. Meng K., Li S., Murphy R.W. Biogeographical patterns of Chinese spiders (Arachnida: Araneae) based on a parsimony analysis of endemicity. // Journal of Biogeography, 35 (7), (2008), 1241-1249.
4. Utz R.M., Hilderbrand R.H., Boward D.M. Identifying regional differences in threshold responses of aquatic invertebrates to land cover gradients. // Ecological Indicators, 9 (3), (2009), 556-567.
5. Zhang J.X., Maddison W.P. Molecular phylogeny, divergence times and biogeography of spiders of the subfamily Euophryinae (Araneae: Salticidae). // Molecular Phylogenetics and Evolution, 68 (1), (2013), 81-92.

**Research Science and
Innovation House**